

МАКТАБГАЧА, УМУМИЙ ЎРТА,  
ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
ТИЗИМЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ  
ТАЪЛИМИНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ

КОНЦЕПЦИЯСИ

2020 йил

## М У Н Д А Р И Ж А

1-боб. Умумий қоидалар	.....	2 - 4
2-боб. Ўзбек тили таълимининг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар	.....	4 -
3-боб. Ўзбек тили таълими концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари	.....	8 -
1-§. Ўзбек тили таълимининг ўқув-методик таъминотини ва ишлаб чиқишида узвийликни таъминлаш	.....	9 -
2-§. Ўзбек тили таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш	.....	11-
3-§. Ўзбек тили таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш	.....	14 -
4-§. Ўзбек тили таълимини ташкил этишда умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси	.....	15 -
5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш	.....	17 -
4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар	.....	17 -
Иловалар	.....	

## **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта ва олий таълим тизимларида ўзбек тили фанини ўқитиши ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5850- сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ўзбек тили таълимини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради, жумладан:

мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш, ижтимоий-иктисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида давлат тилининг тўла жорий этилишини таъминлаш, давлат тили тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

ўзбек тили таълимини Ўзбекистон халқининг, шу жумладан, ёшларни ўзбек тилига меҳр-муҳаббат, ватанпарварлик, ўзбек халқининг миллий анъана ва қадриятларига садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялашга йўналтириш

Ўзбек тилини хорижий мамлакатларда яшаётган ўзбек диаспораларига ва хорижликларга тизимли равишда ўргатишни йўлга қўйиш, ўзбек тили бўйича илмий изланишлар натижаларини жаҳон ҳамжамиятига маълум қилиш ва ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий иш олиб бораётган хорижлик олим ва тадқиқотчилар ва ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини ошириш

ўзбек тили таълимига ўзбек тили таълими бўйича Давлат таълим стандарти талабларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, тилларни ўқитишининг халқаро компетенциявий даражаларини миллий хусусиятларимиз ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

ўзбек тилини ўргатиши мактабгача таълимдан бошлаш ва умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида босқичма-босқич тадрижий ривожланиб боришини, битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари узвийлигини таъминлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

ўзбек тили фани мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўзбек тили фанини ўқитишида миллий, умумисоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этиш;

ўзбек таълими мазмунини таълим олувчиларнинг ўзини мустақил хаётда намойиш эта олиш, эгаллаган билим, кўникма, малакаларини ўз шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларида амалий қўллай олиш лаёқатини шакллантиришга, оғзаки ва ёзма саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантиришга йўналтириш;

умумий ўрта таълим тизимларида ўзбек тили таълимининг бошка фанлар билан интеграциясини таъминлаш ва ўқувчиларни шу фанлардан эгаллаган билимларини оғзаки ва ёзма нутқда саводли ифодалай олиш кўникмаларини, нутқ маданияти ва нотиқлик маҳорати малакаларини шакллантириш;

профессионал ва олий таълим тизимларида ўзбек тили таълимининг мутахассислик фанлари билан интеграциясини таъминлаш ва касбий касб-хунарга оид сўзларни ўргатиш орқали ўқувчиларни давлат тилида ҳаётий вазиятларда касбий соҳавий мулоқот юрита олишга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

ўзбек тили таълими самарадорилигини ва натижавийлигини таъминлашнинг меъёрий хужжатларда назарда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш мезонларини, битирувчилар ва малака ошириш тизимлари учун, кадрларнинг давлат тили иш юритиш бўйича компетентлик даражаларини белгилаб берувчи сертификатлаштириш тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

ўзбек тили фанининг ўқув-методик таъминотини мустаҳкамлаш, ўзбек тили таълими сифатини кўтариш ва халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, бўлғуси ўзбек тили ўқитувчиларининг назарий ва методик тайёргарлигини ошириш, ўзбек тилини ўқитиш методикаси соҳасида илмий салоҳиятли педагогик кадрлар етиштиршга эътиборни кучайтириш.

## **2-боб. Давлат тили таълимининг амалдаги ҳолати ва мавжуд муаммолар**

“Давлат тили тўғрисида”ти Конун ва истиқлол туфайли ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши она тилимизнинг кейинги ривожи учун кенг уфқларни очди. Она тилимиз республикамизнинг асосий муомала, алоқа воситасига айланди, илмий, бадиий, расмий тил сифатида кенг миқёсда қўллана бошлади. 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Давлат тили тўғрисида”ти қонунини амалга ошириш давлат дастури тўғрисида”ти Қарори, 1993 йилда “Лотин ёзувига асосланган ўзбек

алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Қонун, 1995 йилда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг янги таҳрири, 1996 йилда ушбу қонунни амалга оширишга қаратилган давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Қарорларнинг қабул қилиниши ўзбек тилини янада ривожлантириш учун кўйилган муҳим қадамлар бўлди. Ўзбек тилини ўрганиш, ўқиши-ўқитиш, илмий, бадиий асарларни, ўқув адабиётларни янги ўзбек алифбосида нашр этиш кенг йўлга кўйилди. 2016 йил 13 майда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилиши эса ўзбек тилининг тарихий тараққиётида муҳим бурилишни юзага келтирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5850-сонли Фармони она тилимизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги билан ўзбек тилининг тараққиётида янги сахифаларни очди. Ўзбек тили ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номидаги ижод мактаблари ташкил этилди. Фармонда ўзбек тилининг мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар томонидан ўрганилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш учун ўзбек тилидан тузилган дастурларни янада такомиллаштириш, дарсликларни мазмунан ва методик томондан тубдан яхшилаш тақозо этилади.

Ўзбекистонда яшовчи барча фуқаролар республикамизнинг давлат тилида эркин мулоқот юрита олишлари, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма баён қила олишлари республикамиз аҳолисининг баҳамжиҳатлик ва дўстликда яшашлари, биргаликда меҳнат қилиб ватанимиз иқтисодини янада юксалтиришларининг муҳим омилларидан биридир. Ҳозирги кунда республикамизда яшовчи турли миллатларга мансуб фуқаролар ўзбек тилини фақат сўзлашув – оғзаки мулоқот воситаси сифатидагина билишнинг кифоя қилмаслигини, давлат тилида тўғри гапириш ва тўғри ёза олишлари, турли мавзуларда ва айниқса ўз мутахассислиги доирасида ўз фикрини эркин баён эта олишлари ҳамда давлат тилида ёзма расмий иш юритиш малакаларига эга бўлишлари зарурлигини эътироф этмоқдалар. Ўзбек ҳалқининг маданияти ва урф-одатларини билиш, миллий-маънавий қадриятларимизни эъзозлаш мамлакатимизда яшовчи бошқа миллатларнинг маънавий бурчи ва ҳаётий эҳтиёжига айланмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда яшовчи фуқароларнинг анчагина қисми таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва рус гурухларида таълим оладилар. Ушбу мактаблар ва гурухларда ўзбек тилини ўқитиш ишларини самарали ташкил этиш давлат аҳамиятига эга масалалардан бири бўлиб, бу таълим бошқа тилларда олиб бориладиган гурухларда ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг янги концептуал

ёндашувларини белгилаб олиш, ўзбек тилини ўқитиша таълим самарадорлигини оширишнинг ўзига хос жихатларини, энг илғор методларини аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш масалаларини кун тартибига қўймоқда. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ўзга тилли гурухларда ўзбек тилини ўқитиш бўлиммининг очилиши айнан шу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистон, унинг бой тарихи ва маданий мероси, ўзбек ҳалқининг бетакрор маънавий қадриятларига қизиқиш ўзбек тилининг Америка Кўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия Федерацияси, Украина, Хитой, Япония, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Туркия, Озарбайжон каби давлатларнинг олтмишга яқин университетида ўрганилишига, қўшни Тожикистон, Афғонистон, Қозогистон, Туркменистан, Қирғизистон каби мамалакатларда таълим ўзбек тилида олиб бориладиган юзлаб мактабларнинг фаолият юритишига олиб келди. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган хорижлик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда, ўзбек тилининг ҳалқаро нуфузининг ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Эришилган ушбу натижалар билан бирга, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузининг пасайиб боришига сабаб бўлаётган **бир қатор муаммолар** ҳали ҳам сақланиб қолмоқда::

жамиятимизда ўзбек тили адабий тил меъёрлари ва нутқ маданиятининг жорийланиши, давлат тилида касбий мулоқот юритишига ўргатиш бўйича таълимий ишлар талаб даражасида эмас, ҳатто оммавий ахборот воситаларида, жумладан, Ўзбекистон телевидениесида ҳам рекламалар матнлари орфографик ва орфоэпик хатолар билан такрор ва ттакрор эфирга узатилаётгани ушбу хато талафузларнинг барчага, айниқса ёшлар нутқигада сингиб боришига олиб келмоқда;

давлат ташкилотлари, саноат, банк-молия тизими, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда иш юритиши аксарият ҳолларда давлат тилида олиб борилмаяпти;

ўзбек тилининг интернет тармоғида муносиб ўрни таъминланмагани, ўзбек тилининг оғзаки ва ёзма нутқ меъёри қоидаларини ишлаб чиқиши, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишлар ниҳоятда суст боряпти;

узлуксиз таълим тизимларида ўзбек тилини ўқитиш кўп ҳолларда маҳсус тайёргарликка эга бўлмаган педагоглар томонидан олиб борилмоқда, малака ошириш тизимларида кўпроқ умумий педагогик мавзуларга эътибор қаратилиб, педагогнинг мутахассислик соҳаси бўйича назарий ва методик билимларини кучайтириш масалалари малака ошириш тизимлари ўқув режаларига киритилмаган, дарс ўтиш методикаси бўйича амалий лабораториялар ташкил этилмаган;

ўзбек тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш, интенсив таълим методларини ишлаб чиқиши, дарслекларни модернизациялаш, таълим босқичларида ўзбек тилининг нофаол лексикасини фаоллаштириш, касбий

соҳавий мулоқотга ўргатиш йўналишларда илмий-методик тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти;

айнан ўзга тилли гурухларда ўзбек тилини ўқитиш методикаси бўйича илмий салоҳиятли кадрлар етишириш масалалари ҳали ҳам талаб даражасида эмас, бугунги қунгача республикамиз давлат тилини ўқитиш методикаси бўйича фан докторларининг сони 10тага ҳам етмайди, ҳатто бу соҳа бўйича ОАК қошида доимий фаолият юритувчи маҳсус ихтисослаштирилган илмий кенгаш ҳам ташкил этилмаган;

ўзбек тилини мактабгача таълимда кичик ёшдаги болаларга, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва ўзга тилли гурухларда ўқитиш машғулотлари учун учун ҳар бири 5–10 дақиқали ўкув фильмлар, видеотасвиirlар, мультимедиялар яратилмаган.

Булардан ташқари таълим тизимларидағи қўйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

### **Мактабгача таълимда**

болаларга кичик ёшидан чет тилларни ўқитиш йўлга қўйилгани ҳолда рус гурухларида республикамизнинг давлат тилини ўргатиш бўйича машғулотлар ташкил этилмаган.

### **Умумтаълим тизимида**

ўзбек тилини таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда бошқа фанлар каби (масалан, чет тиллари) 1-синфдан эмас, 2-синфдан бошлаб ўқитиб келинмоқда;

таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда 2-синфда ўзбек ва инглиз лотин ҳарфлари тизимининг ва орфографик қоидаларининг бир вақтда ўргатилиши ўкувчилар томонидан меъёрий кўникмаларни пухта ўзлаштирасликка, натижада ўкувчиларнинг орфографик меъёрий қоидаларни аралаштириб қўллашларига, бу эса ёзма саводхонликнинг кескин пасайиб кетишига, ҳусниҳат кўникмаларининг эгалланмай қолишига олиб келмоқда;

умумий ўрта таълимда ўзбек тили таълими мазмунини синфлар кесимида бошланғич (2-4-синфлар), умумий ўрта (5-9-синфлар) ва юқори синфлар (10-11-синфлар) бўйича узвийлаштирилган дастурлар яратиш ва дарсликларни модернизациялаш бўйича жиддий ишлар олиб борилаётгани ҳолда ушбу таълим мазмунини профессионал таълим ва олий таълим тизимларида тадрижий давом эттириш ва таълим босқичлариаро узлуксизликни таъминлаш масаласи ҳали ҳам ўз ечимини топгани йўқ;

ўзбек тилидан 5-9-синфлар учун дарсликлар ҳажми ва форматининг ниҳоятда кичиклиги, улар бўйича услубий методик қўлланмалар яратилмаётгани ёки жуда оз микдорда чоп этилиб, ўқитувчиларга етиб бормаётгани, қўшимча методик-услубий адабиётларни чоп этиш режалаштирилмаётгани ўзбек тили ўқитувчиларини дидактик материаллар билан таъминлаш ёмон ҳолатга тушиб қолишига олиб келган.

ўзбек тилини ўқитишнинг янги, самарали усуллари, илғор педагогик ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш талаб даражасида эмас, электрон ўкув қўлланмалар, 5-11-синфлар учун мультимедиа

ишланмалари, аудиоматнлар тўпламлари яратилмаган, таълимий ўқув фильмларини яратиш ва таълим жараёнига мақсадли татбиқ этиш таклифлари амалга оширилмаяпти;

ўзбек тили таълими бўйича педагог кадрлар салоҳияти ҳам талаб даражасида эмас: республикамиизда умумтаълим мактабларининг 7 тилда олиб борилиши белгилаб қўйилгани ҳолда, таълим рус ва бошқа қардош тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитадиган педагоглар тайёрловчи факультетларнинг ёпилиб кетгани ушбу мактабларда қисқа малака ошириш курсларида ўқиган бошқа тиллар ўқитувчиларининг фаолият юритишига, бу эса таълим сифатининг пасайиб кетишига олиб келмоқда.

### **Профессионал таълимда**

ўзбек тили фанининг ўқув услубий таъминоти (ДТС, ўқув режа, ўқув дастур, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар) мазмунни профессионал таълим хусусиятларидан келиб чиқиб ва умумий ўрта таълим ДТСда битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари, ўқув дастурлари мазмунига узвий боғлиқ ҳолда узлуксизлик тамойиллари асосида ишлаб чиқилмаган;

ўзбек тили фанини ўқитишида фан мазмунини профессионал касбий терминлар, соҳавий касбий аутентик матнлар бўйича ишлашга йўналтирилмагани боис бўлажак мутахассисларни касбий соҳасида давлат тилида оғзаки ва ёзма мулоқот юритишига тайёрланмаяпти;

ўзбек тили фанининг ўқув услубий таъминоти (ўқув дастур, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар) мазмунни профессионал касбий терминлар, соҳавий аутентик матнлар билан ишлашга оид амалий топшириқлар билан бойитилмаганлиги, ички соҳавий хужжатларни ёзиш ва расмийлаштириш акс эттирилмаганлиги туфайли битирувчиларнинг касбий соҳадаги лаёқатлари талаб даражасида эмас;

ўзбек тили фанининг ўқув услубий таъминоти (ўқув дастур, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар) мазмунида профессионал таълим тизимида ўқитиладиган касбий соҳавий фанлар билан фанлараро алоқадорлигини таъминлаш орқали бўлажак мутахассисларни касбий фаолият юритишига тайёрлаш, шунингдек, турдош фанлар (рус тили, чет тили) билан фанлараро алоқадорлигини таъминлаш аамалга оширилмаган;

ўзбек тилини фанини ўқув режаси ва ўқув дастури мазмунида соҳавий объектларда сайёр дарсларни ташкил этишни режалаштирилмагани ва ушбу дарсларни ташкил этиш талаблари ишлаб чиқилмагани сабабли бўлажак мутахассислар касбий амалиётга тайёрлаш талаб даражасида эмас.

### **Олий таълимда**

олий таълим муассасаларида таълим рус тилида олиб бориладиган гурухларда айнан рус тили вакиллари озчиликни ташкил этиши, уларнинг асосий кўпчилиги ўзбек тилини В1, ҳатто А2 даражада ҳам билмаслиги, талabalарнинг аксарияти туркий миллатга мансуб бўлиб, баъзи ўзбек миллатига мансуб талabalарнинг гапириш кўникмаси ривожлангани ҳолда, уларнинг ўқиши, ёзиш кўникмалари, луғат бойлиги, назарий билимлари жуда пастлиги натижасида давлат тилини билиш даражасида бу қадар катта фарқи

бўлган талабаларнинг йил охирида кўрсатадиган натижалари ҳам кескин фарқланиб, давлат тили таълимида мақсадга эришилмаяпти;

республикадаги барча ОТМларнинг таълим ўзга тилларда олиб бориладиган гурухларида ўзбек тили машғулотларининг ягона дастур асосида ўқитилиши ўзбек тили фан дастурларида касбга йўналтирилганлик талаби етарли даражада бажарилмаслигига олиб келди;

олий таълим муассасаларида “Ўзбек тили” фани факат рус гурухларидагина ўқитилиши, миллий гурухларда ўзбек тили бўйича бирорта ҳам фан ўқитилмаслиги асосий таълим олувчиларнинг юқори синфлар ва ўрта махсус таълим босқичига қўйилган В1 даражада қолиб кетишларига олиб келмоқда. Бу эса республикамизнинг давлат тилини В1 даражада билиш кифоя, деб ҳисобланишга ва ўзбек тилининг юқори даражасини кўрсатувчи С1 ва С2 даражалар ўзбек филологларидан бошқа ҳеч кимдан талаб этилмаслигига олиб келмоқда;

олий таълимнинг нофилологик йўналишларида ўзбек тили таълими бўйича замонавий илмий-методик таъминоти етарли эмас, шунингдек, ўқув-услубий мажмуалар ва қўлланмалар талабаларнинг диққатини тортадиган, қизиқиш уйғотадиган даражада эмас;

филологик таълим йўналишларида ҳам ўзга тилли гурухларда ўзбек тилини ўқитиш бўйича илмий-методик таъминот етарли эмас, ҳато ўзбек тили ўқитиш методикаси бўйича дарслик ҳам яратилмаган;

ОТМларнинг педагогик йўналишларида талабаларни тилларни ўқитиш амалиётига тайёрлаш учун махсус лаборатория типидаги дарсхоналар ташкил этилмаган, талабалар эгаллаган кўникма-малакаларини апробациядан ўтказмай тўғридан тўғри мактабда дарс беришга юборилади;

республикамиз ёшларининг асосий қисми нофилологик йўналишларда таҳсил оладилар, улар битиргандан сўнг турли ижтимий-иктисодий соҳаларида, маъмурӣ бошқарув тизимида фаолият юритадилар, бироқ уларнинг давлат тилида меъёрий ҳужжатларни юрита олишлари учун касбий-соҳавий терминология, ихтисослик тили, илмий ва расмий услугга хос хусусиятлар бўйича махсус фанлар ўқитилмаяпти;

ОТМлар профессор-ўқитувчилари талабаларнинг мустақил таълими масаласини қайта кўриб чиқишилари ва ҳолатни тубдан ўзгартиришлари лозим: талабаларнинг эгаллаган билимларини оддий қайта сўзлаш, реферат ёзиш кабилар орқали намойиш этишга одатланганликлари уларда танқидий ва ижодий фикрлашини шакллантиришга шарт-шароит яратмаяпти;

ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асосланган тавсияларнинг ишлаб чиқилмаган;

таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи механизмлар йўқлиги, қўшма таълим дастурлари мавжуд эмаслиги туфайли ҳамкорликнинг янги шакллари ривожланмай қолмоқда.

### **3-боб. Ўзбек тили таълими концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари**

Давлат тилининг ривожланиши 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш бўйича Давлат дастурида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишга асосланади. Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, Давлат тилини ривожлантириш қўйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:

“Давлат тили хақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги таҳрирда қабул қилиш; “Реклама тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига давлат тилига оид қоидаларни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмаларида меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг давлат тилида юритилиши бўйича қатъий тартибни жорий этиш, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, саноат, банк-молия тизими, хуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

давлат тили соғлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш, ўзбек тилининг орфоэпик ва орфографик қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш;

умумтаълим тизимида ўзбек тилини ўқитиши такомиллаштириш ва ўқув дастурлари мазмунини, дарсликларни модернизациялаш бўйича сезиларли янгиланишлар киритилгани ҳолда бу ҳаракатларни узвийлик ва узлуксизликда кейинги таълим тизимларида – профессионал таълим ва олий таълимда тадрижий давом эттириш талаб даражасида эмас. Шунингдек, мактабгача таълимда ўргатишни йўлга қўйиш узлуксизлик нуқтаи назаридан бошланғич таълимда ўзбек тилини ўқитиши 1-синфдан бошлашни тақозо этади. Акс ҳолда ўртада узилиш, бўшлиқ пайдо бўлади.

мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларида давлат тилига оид тил кўнімларини эгаллашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, республикамида ўзбек тилини мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ўргатиш, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда 1-синфдан ўқитиши йўлга қўйиш орқали мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари ўртасида давлат тили таълимининг узлуксизлигини таъминлашга эришиш;

ўзбек тили ва адабиёти фанига ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабларини барча шаҳар ва туманларда босқичма-босқич ташкил этиш;

жорий амалиётда давлат тили таълими бўйича компетенциявий талаблар республикамизда чет тилларни ўқитиши бўйича билимлар даражасига қўйиладиган талаблардан ҳам пастлиги ўзбек тилидан ДТС талабларини қайта кўриб чиқиш ва таълим босқичлари учун компетенциявий даражалар талабларини қўйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

A1 даражада талабларини мактабгача таълим ва мактабга тайёрлов муассасалари учун белгилаш, бошлангич таълим учун эса A2 даражада талабларини белгилаш мақсадга мувофиқ. Республика изда таълим бошқа тилларда тахсил олаётган ўқувчиларнинг аксарияти ўзбек ва қариндош туркий тиллар оиласига мансуб тил соҳибларининг фарзандлари эканлиги, ҳатто қариндош бўлмаган рус тили соҳибларининг ҳам тил мухитида катта бўлғанликлари уларнинг ҳам мактабга A1 даражада талаблари асосида қабул қилиш;

ўзбек тилидан A2 даражада бўйича қайд этилган таълим мазмуни ва малакавий қўрсаткичларни бироз соддалаштирилган шаклда бошлангич таълимнинг 2-4-синфларида, B1 даражада талабларини 5-9-синфларда, юқори 10-11- синфлар ва ўрта маҳсус таълимда эса B2 даражада талабларини бемалол шакллантириш ҳамда олий таълим босқичи учун C1 даражада меъёrlарини белгилаш, C2 даражада талабларини магистратура ва малака ошириш босқичи учун белгилаш орқали республикамизда давлат тилининг нуфузини ошириш;

ўзбек тилининг ўқитилишида натижавийликни таъминлаш, уни ўрганишга эҳтиёжни юзага келтириш учун чет тилларда амал қиласиган сертификатлаштириш тизимини ўзбек тилига ҳам жорий этиш, унда ҳар бир ДТС даражаси учун бериладиган сертификатларнинг қонуний мақомини аниқ қўрсатиш ва 11-синфлар, АЛ ва КҲҚ битируvчилари ДТС B2 даражаси талабларига жавоб берсагина, ОТМга кириш ҳуқуқини қўлга киритишини, олий таълим босқичлари битируvчилари C1, C2 даражаларнинг қай бирига эгалигига кўра касбий лавозимларга ишга қабул қилинишининг белгилаб қўйилиши ва шунга қатъий амал қилиниши барча фуқароларимиз томонидан республикамизнинг давлат тилини пухта ўрганиш эҳтиёжини юзага келтириш;

сертификатлаштириш тизимини жорий этиш орқали ўзбек тилини мустақил ўқиб-ўрганиш орқали ўз билим, кўникма, малакаларини ошириб борган ва даражавий сертификатларни қўлга киритган аббитуриентларга ўзлари танлаган касбий соҳаларга бевосита алоқадор фанларни чуқурроқ ўрганишлари учун шарт-шароит яратиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, баҳолашни таълим олувчиларга нисбатан эмас, тил кўнималарини нутқий вазиятларда амалий қўллаш компетенцияларининг ривожланганлик даражаларига кўра ва халқаро талабларга мувофиқ ташкил этишни йўлга қўйиш;

жаҳонда тилни она тили сифатида ва чет тили ёки иккинчи тил сифатида ўқитиши методлари бир-биридан фарқ қилиши барча томонидан тан олинганлиги, шу боис ушбу фанларни ўқитиши билан маҳсус тайёргарлик кўрган педагоглар шуғулланиши эътиборга олиниб, таълим бошқа тилларда

олиб бориладиган мактаблар ва ўзга тилли гурӯҳлар учун маҳсус тайёргарликдан ўтган педагогларни жалб қилиш;

олий таълим муассасаларининг таълим бошқа тилларда олиб бориладиган йўналишларида “Ўзбек тили” фанидан давлат аттестациясини йўлга қўйиш, олий таълим муассасаларининг бакалавриат ва магистратура йўналишларида “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Давлат тилида иш юритиш”, магистратурада “Касбий нутқ маданияти” фанларини жорий этиш ҳамда битириувчилари учун ушбу фанлардан давлат аттестациясини жорий қилиш;

олий таълимда мустақил таълим соатлари учун ҳам муҳимлик, мураккаблик даражаси teng бўлган мавзуларни ажратиш талабаларни ҳақиқий мустақил таълим маданиятига эга бўлиб боришлари, турли ҳаётий вазиятларда керакли ечим топиш, билимни амалда ўринли қўллаш кўникмаларини шакллантиришга олиб келади;

давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш;

давлат тилининг ҳалқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш;

ўзбек тилини хорижий мамлакатлардаги тил ўрганувчиларни ўзбек ҳалқининг турмуш тарзи, нутқ этикети, урф-одатлари, миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ мулоқот турлари ёритилган ўқув фильмлар, видеотасвирлар, мультимедиялар яратиш.

## **1-§. Ўзбек тили таълимининг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқиша узвийликни таъминлаш**

7. Ўзбек тили таълимининг ўқув-методик таъминоти таркибига куйидагилар киради:

ўзбек тили фанидан Давлат таълим стандарти;

ўзбек тили фани ўқув дастури;

синфлар ва таълим босқичлари учун дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар;

электрон дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар;

фан ўқитувчилари учун методик қўлланмалар;

ўқувчи-талабалар учун дидактик тарқатма материаллар;

электрон ишланмалар, кўргазмали плакатлар, видеомаҳсулотлар (мультимедия маҳсулотлари, интерфоал доскалар, виртуал лабораториялар, ўқув фильмлар, слайдлар, намойиш экспериментларни кўрсатувчи анимациялар)

Ўзбек тили таълимининг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўзбек тилини тил муҳити мавжуд бўлган шароитда ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартларга мувофиқлаштирилган давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

таълим тизимлари ўртасидаги узлуксизлик ва ҳар бир таълим босқичида ўзбек тили таълими бўйича узвийлик эътиборга олинган биринчиси иккинчисига асос бўладиган ва бири иккинчисининг тадрижий давоми бўладиган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

ҳар бир таълим босқичи учун битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

мактабгача таълимдан бошлаб ҳар бир таълим тизими учун ўзбек тили ўқув юкламаларининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг тақсимоти юзасидан таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов гурухлари учун кичик ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашга йўналтирилган “Илк қадам” дастурини ишлаб чиқиш ва шу асосда “Ўзбек тилини ўрганамиз”, “Китобим -офтобим”, “Сўзим - дуру гавҳарим” қўлланмаларини тайёрлаш ва кенг миқёсда чоп эттириш;

таълим тизимлари учун ўзбек таълими бўйича ўқув-методик мажмуалар (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси ва бошқалар)нинг янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

ўзбек тили таълимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантириладиган лингвистик ва нутқий компетенциялар малака талабларидан келиб чиқадиган тилларни ўрганишнинг халқаро баҳолаш меъёрларига мос келадиган баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

ўзбек тили бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни модернизациялаш, профессионал таълим ва олий таълим учун ихтисослик фанлари ва ўзбек тили фани интеграцияси таъминланган мультимедиа ресурсларини яратиш, уларда аутентик материаллар улушини кўпайтириш;

ўзбек тили фанининг ўқув услубий таъминоти (ДТС, ўқув режа, ўқув дастур, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар) мазмунини профессионал таълим хусусиятларидан келиб чиқиб ва умумий ўрта таълим ДТСда битирувчиларга қўйиладиган малака талблари, ўқув дастурлари мазмунига узвий боғлиқ ҳолда узлуксизлик тамойиллари асосида ишлаб чиқиш;

ўзбек тили фанини ўқитишда фан мазмунини профессионал касбий терминлар, соҳавий касбий аутентик матнлар бўйича ишлашга йўналтириш орқали бўлажак мутахассисларни касбий соҳасида давлат тилида оғзаки ва ёзма мuloқot юритишга тайёрлаш;

ўзбек тили фанининг ўқув услубий таъминоти (ўқув дастур, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар) мазмунида профессионал таълим тизимида ўқитиладиган касбий соҳавий фанлар билан фанлараро алоқадорлигини таъминлаш орқали бўлажак мутахассисларни касбий фаолият юритишга тайёрлаш;

ўзбек тили фанининг ўқув услубий таъминоти (ўқув дастур, дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар) мазмунида профессионал таълим тизимида ўқитиладиган турдош фанлар (рус тили, чет тили) билан фанлараро алоқадорлигини таъминлаш орқали такрор ва қайтариқларни бартараф қилиш, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини сингдириш, тиллараро интерференциянинг олдини олиш;

ўзбек тилини фанини ўқув режаси ва ўқув дастури мазмунида соҳавий обьектларда сайёр дарсларни ташкил этишни режалаштириш ва ушбу дарсларни ташкил этиш талабларини ишлаб чиқиш орқали бўлажак мутахассисларни касбий амалиётга тайёрлаш;

талабалар эгаллаган қўникма-малакаларини апробациядан ўтказишлари учун ОТМларнинг филологик ва педагогик йўналишларида тилларни ўқитиш амалиётига тайёрлаш учун маҳсус методик лабораториялар ташкил этиш;

ўзбек тили дарсларини қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш ва натижавийлигини таъминлаш учун ўқув-услубий таъминотни янгилаш, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар мазмунини бойитиш, хусусан, таълимнинг пойдевори ҳисобланадиган мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синфлар учун ўзбек тили нутқ товушлари талаффузини, янги сўзларни ўргатишга қаратилган болаларбоп шеърлар, ҳикоялар, қўшиқлар яратиш;

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва бастакорлар билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйиш, болалар шоирлари ва ёзувчилар, бастакорлар, ёш ижодкорларга таълимий мақсадларда болаларбоп шеърлар, ҳикоялар ёзиш, кичик ҳажмда қўшиқлар яратиш каби вазифаларни юклаш, маҳсус танловлар эълон қилиш орқали ўзбек тилининг ўқув-методик таъминоти заҳирасини тўплаш;

ўзбек тилини ўқитиш методикасини ислоҳ қилиш учун чет тилларни ўқитишдаги каби мультимедиа ишланмаларини яратиш, миллий маданий қадриятларимизни сингдиришга қаратилган ўқув фильмлари яратиш ишларини жадаллаштириш, бу борада танловлар эълон қилиш орқали кўплаб қобилиятли ўқитувчилар ва ижодкор ёшларни излаб топиш ва таълим тизимига жалб қилиш;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, интернет жаҳон ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, компьютер дастурларининг ўзбекча муқобилини яратиш, ўзбек тилини ўргатувчи компьютер дастурларини кенг миқёсда амалиётга татбиқ қилиш;

ўзбек тилини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш, ўзбек тилини ўрганиш истагидаги чет эл фуқароларига мўлжалланган ўзбек тилини ўргатувчи онлайн платформа ташкил қилиш, унинг ахборот базасини таъминлаш ва мунтазам бойитиб бориш;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига ўзбек тилини ўқитишга мўлжалланган қизиқарли мультимедиа ўйинлари, дидактик адабиётлар яратиш.

ўзбек тилини мактабгача таълимда кичик ёшдаги болаларга, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва ўзга тилли гурухларда ўқитиш машғулотлари учун учун ҳар бири 5–10 дақиқали ўқув фильмлар, видеотасвиirlар, мультимедиялар ишлаб чиқиш;

ўзбек тилини хорижий мамлакатлардаги тил ўрганувчиларни ўзбек халқининг турмуш тарзи, нутқ этикети, урф-одатлари, миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ мулоқот турлари ёритилган ўқув фильмлар, видеотасвиirlар, мультимедиялар яратиш.

## **2-§. Ўзбек тили таълими тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш**

10. Республикализ таълим тизимларида давлат тили таълимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

### **Мактабгача таълим тизимида.**

мактабгача таъли муассасалари ва мактабга тайёрлов гурухлари учун кичик ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашга йўналтирилган “Илк қадам” дастури асосида тасвирий фаолият машғулотлари учун тилга оид зарур кўниkmаларни шакллантиришга қаратилган ўқув ускуналар билан жиҳозлаш;

мактабгача таъли муассасалари ва мактабга тайёрлов хоналарини ўқув-методик ҳамда дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, мебель, компьютер техникаси, телевизор билан жиҳозлаш;

мактабгача таълим соҳасига хусусий секторнинг жалб қилиниши, унинг ижтимоий жавобгарлигини оширилиши, молиялаштириш манбаларининг кенгайтирилиши орқали мактабгача таълим хизматлари турларини кўпайтириш;

мактабгача таълим тизимини ривожлантиришда молиялаштиришни зарурый даражада амалга оширилиши, мактабгача таълим хизматларини кўрсатишида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

### **Умумтаълим тизимида.**

“Замонавий мактаб” давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги турдаги ижод мактабларини барпо этиш ва замонавий мактаб намунасига мослаштиришни таъминлаш;

ўқув мактабларини замонавий мебель, жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услубий материаллар, компьютер, интерактив доска, планшет ва мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориши чораларини кўриш;

барча шаҳар ва туманларда ўзбек тили ва адабиёти фанига ихтисослаштирилган ижод мактабларини босқичма-босқич ташкил этиш, нотиқлик санъати ва маҳорати дарсларини кўпайтириш ва эгалланган

малакалар бўйича тиллар ва вилоятлар кесимида танловлар ўтказишни ташкил этиш;

китобхонликни кучайтириш, ўқувчилар орасида маҳсус викториналар, танловлар ўтказиш, ғолибларни номдор стипендиялар билан рағбатлантириш, ўқувчиларнинг қизиқишиларини ҳисобга олган ҳолда шеърхонлик, нотиқлик, таржимашунослик илмий-адабий тўгаракларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режасида белгиланган ўзбек тили фани ўқув юкламасининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоти юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ўқув дастурларини ўзбек тили фанининг таянч ўқув режасига мувофиқ ҳолда синфлар кесимида ва мавзулар ҳажми, мазмуни, ўрганиш кетма-кетлиги, шакллантириладиган нутқий ва лингвистик компетенциялар асосида ишлаб чиқиш;

ўзбек тили фани бўйича синфлар кесимида ўқув-методик мажмуаларни (дарслик, мустақил иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, ўқувчилар учун ўқув-методик қўлланма, дарсликларнинг мултимедиали иловаси) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

ўзбек тили фани учун алтернатив (муқобил) дарсликлар яратиш, улардан фойдаланишни йўлга қўйиш ва натижавийлик қўрсаткичлари асосида амалиётга кенг миқёсда жорий қилиш.

ўзбек тили фанидан фан мазмуни ва малака талаблари асосида шакллантириладиган нутқий ва лингвистик компетенцияларни натижавийлик асосида баҳолаш мезонлари ва тартибини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши ва амалий кўнижмасини шакллантиришга йўналтирилган халқаро баҳолаш дастури (ПИСА, ТИМСС) талабларига мос келадиган амалий топшириqlар базасини яратиш.

### **Профессионал таълим тизимида.**

ўзбек тилини профессионал таълим тизимида мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ўқитишни ташкил этиш;

ўзбек тили фани хоналарини профессионал таълим муассасаларида касб-хунар эгаллаш мазмун моҳиятига тегишли, касб ва мутахассисликлар хусусиятидан келиб чиқан ҳолда ташкил этиш;

ўзбек тили дарсларида профессионал таълим тизимида бошқарув ишларни ташкил этиш, ушбу тизимда амал қиласидаги маъмурий бошқарув ва ички соҳавий ҳужжатлар, электорн айланма ҳужжатларни расмийлаштириш билан танишириш орқали ўқувчиларни давлат тилида иш юритишга тайёрлаб бориш;

ўзбек тили дарсларида профессионал таълим тизимида амал қиласидаги соҳага оид ўқув устахоналари, замонавий ўқув жихозлари, анимацион ўқув материаллари ҳақидаги видематериаллар билан ишлаш орқали ўқувчиларни касбий соҳавий терминларни нутқда қўллаш, давлат тилида мулоқот юритиш кўнижмаларини шакллантириб бориш;

ўзбек тилини фанини ўқув режаси ва ўқув дастури мазмунидаги соҳавий объектларда, ўқув устахоналарида сайёр дарслар ташкил этишни

режалаштириш ва ушбу дарсларни ташкил этиш талабарини ишлаб чиқиши орқали бўлажак мутахассисларни касбий амалиётга тайёрлаш;

профессионал таълим муассасалари ўқувчилари учун касбга оид ўқув адабиётларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш учун электрон кутубхона платформасини жорий этиш.

### **Олий таълим тизимида.**

Олий таълим тизимидаги ўзбек тили таълими йўналишига оид етук замонавий кадрлар тайёрлаш давлат дастурини хорижий тажрибалар асосида жаҳон стандартларига мослаштириш;

ўқув хоналарини замонавий ўқув-услубий материаллар, компьютер, интерактив доска, планшет ҳамда мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари, масофавий ўқитиш жиҳозлари, 3D принтер билан таъминлаш, уларни ўз вақтида янгилаш бориши чораларини кўриш;

бўлғуси ўзбек тили ўқитувчиларини ўзбек тили фанидан эгаллаган назарий билимларини мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва профессионал таълим тизимларида қўллаш, дарс босқичлари таълим турига мос равища ташкил этиш, дарс мазмуни бўйича бериладиган ўқув-билув топшириқларини вақт бўйича тўғри тақсимлаш ва педагогик технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш амалиётига тайёрлаш мақсадида педагогик ўқув лабораторияларини ташкил этиш ва тарбияланувчилар, ўқувчиларнинг ёшига мос жиҳозлар билан мунтазам таъминлаб бориши;

олий таълим муассасаларини замонавий дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий жараёнлар учун ўқув-услубий материаллар, тажриба-синов ишлари учун зарур бўладиган аудио ва видео аппаратлар, фонетик, орфоэпик йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари осциллографик, фонографик ускуналар билан таъминлаб боришининг самарали механизмларини яратиш;

кутубхона, ўқув лабораториялар инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишини тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориши имкониятларини кенгайтириш;

инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондини янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

олий таълим муассасаларини юқори тезлиқдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

чет эл университетларида фаолият кўрсатаётган ўзбек тили бўлимлари, курсларини зарур илмий, ўқув-услубий адабиётлар, аутентик материаллар билан таъминлаш;

хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари, электрон ўқув қўлланмалар, ўзбек тилини интенсив ўргатувчи дастурлар, аудиодисклар, кўп тилли сўзлашгичлар ва лугатлар чоп этиш;

республикамизда яшовчи турли миллатлар вакилларига давлат тилини ўргатувчи курслар, давлат тилида иш юритиш, лотин ёзувига ўргатиш, ўқув-услубий методик қўлланмалар, кўргазмали тарқатма материаллар чоп этиш;

телевидение ва радиода давлат тилини ўрганишга бағишиланган туркум кўрсатувлар ташкил қилиш, мамлакатимизда ва ундан ташқарида ўзбек тилининг тарғиботини қилиш учун қўргазмали материаллар, видеороликлар, видеолавҳалар тайёрлаш ва тарқатиш.

ўзбек тилини мактабгача таълимда кичик ёшдаги болаларга, таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва ўзга тилли гурӯхларда ўқитиш машғулотлари учун учун ҳар бири 5–10 дақиқали ўқув фильмлар, видеотасвирлар, мультимедиялар ишлаб чиқиш;

ўзбек тилини хорижий мамлакатлардаги тил ўрганувчиларни ўзбек халқининг турмуш тарзи, нутқ этикети, урф-одатлари, миллий-маданий хусусиятлари билан боғлиқ мулоқот турлари ёритилган ўқув фильмлар, видеотасвирлар, мультимедиялар яратиш.

### **3-§. Ўзбек тили таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш**

Ўзбек тили таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш;

ўзбек тили фанидан электрон китобларни мобил усқуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида QR-код ёрдамида синфлар кесимида ўқув-методик мажмуалар (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси) ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

назарий ҳамда амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек, уларни электрон ахборот сақловчиларга

юкловчи платформалардан (Edu Market интерфаол-виртуал таълим дастури) ҳамда таълим жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимиға ўзбек тилини бошқа миллатларга ўргатиш бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик мажмуаларни, электрон таълим русурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориши, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида QR-код ёрдамида электрон ресурслар хақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш.

Ўзбек тили ўқитувчисининг ўз қасбий фаолиятида дарс жараёнида компьютер имкониятларини эркин ва фаол қўллашларида қуйидаги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга эътибор берилади:

- янги мавзуни баён этиш ёки мустаҳкамлаш учун слайдлар;
- янги мавзуни баён қилиш учун ҳар бири 5–10 дақиқали ўқув фильмлар, видеотасвиirlар, мультимедиялар;
- турли машқларни, амалий топшириқларни бажаришга мўлжалланган ўйинли мультимедиялар.

- ўзбек тилини бошқа миллатларга ўқитишининг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш.

12. Мамлакатимизда давлат тили таълим министри инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўқувчи-ёшлар томонидан яратилган ижодий лойиха ишлари натижаларини тижоратлаштириш ишларини босқичма-босқич жорий этиши;

пуллик хизматлар қўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар хисобига ҳудудларда тил ўқитиши ва давлат тилида иш юритиши марказларини ташкил этиш ҳамда уларни фаолият олиб боришларини таъминлаш;

стартап лойихалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш;

иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, чуқурлаштирилган (вариатив) таълим дастурлари асосида ўқитиши, “Устоз-шогирд” тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш;

ўзбек тили, нотиқлик маҳорати, давлат тилида иш юритиши бўйича умумий ўрта таълим тизимида фан олимпиадаларини ташкил этиши ва иқтидорли ўқувчи-ёшлар иштирокини ошириш;

инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда умумий ўрта, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим ҳамда олий таълим тизимлари билан узвийлигини таъминлаш.

Ўзбек тили таълими жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усусларни жорий этиши бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш;

ўзбек тили таълими бўйича электрон китобларни мобил ускуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида QR-код ёрдамида синфлар кесимида ўкув-методик мажмуалар (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик кўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси) ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

назарий ҳамда амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек, уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи платформалардан (Edu Market интерфаол-виртуал таълим дастури) ҳамда таълим жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимида ўзбек тили ва уни ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган ўкув-методик мажмуаларни, электрон таълим ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўкув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўкув адабиётлар яратиш, уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш мақсадида QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш.

инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда умумий ўрта, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим ҳамда олий таълим тизимлари билан узвийлигини таъминлаш.

хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатувчи компьютер дастурларини, унга мос мультимедиа маҳсулотларини яратиш, рақамли технологияларни жорий этиш;

ўзбек тилини хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш, ўзбек тилини ўрганиш истагидаги чет эл фуқароларига мўлжалланган ўзбек тилини ўргатувчи онлайн платформа ташкил қилиш, унинг ахборот базасини таъминлаш ва мунтазам бойитиб бориш.

#### **4-§. Ўзбек тили таълимини ташкил этишда умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси**

13. Ўзбек тили фанининг таълим тизимларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари билан ўзаро интеграцияси ва ўкувчиларни касбга

йўналтириш ишларини ташкил этиш бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

жадал ривожланаётган асрда инновацион маҳсулотларни яратиш учун янги билимларни ўзлаштириш ва амалда қўллашнинг тобора ортиб бораётган аҳамияти миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ва миллий хавфсизлик стратегияларининг самарадорлигини белгиловчи омиллардан келиб чиқсан ҳолда интеграциялаш тизимини ишлаб чиқиш ва йўналишларини белгилаш;

глобаллашув даврида меҳнат бозори талабларига мос, ностандарт масалаларни ижодкорлик ёндашуви асосида еча оладиган ўқувчиларни тарбиялаш масаласини амалга ошириш учун муайян фикрлаш моделлари зарур, ўқувчи-ёшларда бундай фикрлаш моделларини шакллантириша интеграциялаш функцияларини белгилаш;

юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълимда инновациялар, ўқитишининг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этиш ўқувчиларнинг мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида илмий изланишларни амалга ошира оладиган қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган интеграциялаш тенденцияларини аниқлаш;

ўзбек тили таълимини ривожлантириш доирасида ўқувчиларна мактабгача ёшидан касблар дунёси билан таништириш, ўқувчи-ёшларни тўғри касб танлашга йўналтириш мақсадида турли фанлар билан интеграциялашни амалга ошириш шаклларини ишлаб чиқиш.

14. Ўзбек тили таълини ўқитишида фанлараро боғлиқлик қўйидагicha ташкил этилади:

мактабгача ёшидан болаларни атроф-мухит, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан таништириш;

бошланғич таълимда нутқ одоби этикетларини ўргатиш орқали ўқувчиларни жамиятда ўзини тутишга ўргатиш;

вatan, ватанпарварлик, ватанга садоқат туйғуларини шакллантириш;

соғлом турмуш тарзини шакллантириш;

табиатни асраш ва атроф-мухитни озода сақлаш;

оила, маҳалланинг ватан ичра ватан эканлиги, уларнинг муқаддаслигини сингдириш;

дўстлик, одамийлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш;

ўзгаларнинг меҳнатини қадрлаш;

хунар ва касб эгаллаш;

ота-онасини, устозини эъзозлаш, aka-укалари, дўстларини қадрлаш, қўшнилари, қариндошларини ҳурмат қилиш;

ўзбек халқининг миллий-маданияти ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилишга ўргатиш каби қадриятларни шакллантириш ва босқичмабосқич ривожлантириб бориш.

15. Ўзбек тилини ўқитишида вариатив ўкув модуллари қўйидаги учта йўналиш бўйича амалга оширилади:

назарий ва амалий тилшунослик;

таржимашунослик ва қиёсий тилшунослик;  
тил ўқитиши методикаси (она тили сифатида, иккинчи тил сифатида, хорижий тил сифатида).

16. Ўзбек тили соҳасида ижодкорликни қўллаб-куватлаш бўйича тадбирлар ўзбек тилининг мақоми ва нуфузини ошириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ижодкорлик муҳитини шакллантириш, “Иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш”, туман, вилоят, республика миқёсида интеллектуал етук ўқувчи-ёшлар селекциясини ташкил этиш тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади. Бунда қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

таълимнинг барча босқичларида фан бўйича республика олимпиадаларини ташкил этиш;

очиқ тақдимотлар (жумладан, ихтисослашган портал ва ижтимоий тармоқлар), мусобақалар, конкурслар орқали ўқувчи-ёшларга инновацион лойиҳаларни тақдим этиш;

китобхонлик, нотиқлик маҳорати, ижодий ишлар (шеър, наср, иншо ёзиш) бўйича танловлар ташкил этиш ва туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ккесимида ўтказилиб, республика даражасида якунлаш;

саводхонлик мусобақаларини, шеърхонлик кечаларини ташкил этиш;

таълим муассасаси ахборот муҳитида ўқувчи-ёшлар томонидан бажарилган лойиҳалар, уларнинг натижаларини қайд этиш учун шароит яратиш;

мусобақаларни жамоа бўлиб ишлаш тамойиллари, шахслараро муносабатлар ва ўзаро мулоқат этикаси асосларини ўзлаштиришга имкон берувчи шаклларда ташкил этиш;

хорижий мамлакатларда фаолият кўрсатаётган ўзбек тили ўқитувчилари билан мунтазам алоқа ўрнатиш ва ўзаро тажриба алмашиниш;

хорижий мамлакатларда ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган олимлар, тадқиқотчилар билан мунтазам алоқа ўрнатиш, илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, ўзбек тилини чет элларда кенг тарғиб қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;

#### **4-§. Давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига интеграциясини таъминлаш**

Давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларидаги ўрнини қучайтириш, замонавий компьютер ишланмаларини яратища тутган ўрни ва ролини ошириш йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

ўзбек тилининг интернетда муносиб ўрин эгаллаши, жаҳон ахборот тармоғида ўзбек тилидаги ахборотларни кенгайтириш юзасидан амалий ишларни қўллаб-куватлаш;

ўзбек тилини глобал тармоқларда оммалаштириш;

имло саводхонлигини электрон шаклда тузатиш тизимини йўлга қўйиш,

Word матн мұхаррирининг мұкаммаллаштирилган вариантини яратиши;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, интернет жағон ахборот тармоғида муносиб ўрин әгаллашини таъминлаш, компьютер дастурларининг ўзбекча муқобилини яратиши, ўзбек тилини ўргатувчи компьютер дастурларини кенг миқёсда амалиётта татбиқ қилиши;

ўзбек тили бўйича электрон ўқув дарсликларини яратиши ишларини давом эттириши;

профессионал таълим ва олий таълим тизимлари битирувчиларида электрон айланма хужжатларни расмийлаштириш ва ички соҳавий хужжатларни тузиши, ёзиши ва қўллаш малакасини шакллантириши;

давлат тилидаги хужжатларнинг ягона электрон намуналарини ишлаб чиқиши ва улардан фойдаланиши учун онлайн дастурлар яратиши;

дастурий таъминотнинг ягона сертификация ва стандартизация марказини ташкил этиши.

## **5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш**

17. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўзбек тилини ўзга тилли гуруҳларда ўқитиши йўналиши бакалавриат даражаси учун таълим дастурларини мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари ДТС ва ўқув дастуридан келиб чиқсан ҳолда тубдан янгилаш;

таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили фанидан дарс берувчи ўқитувчиларни масофадан ва аралаш усулда интеграциялашган малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиши ва амалиётта жорий этиши;

фанга оид компетенцияларга ҳамда ўзбек тилини бошқа миллат вакилларига ўқитиши соҳасида малакавий тажрибали касб әгаларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

ўзбек тили таълими соҳасида тажрибали, илмий тадқиқий фаолият билан шуғуланаётган ва касбий ютуҳларга эришган ўқитувчиларни қўллаб-куватлаш тизимини яратиши;

тегишли лавозим, касб ва мутахассислик бўйича квалификация маълумотномаларида кўрсатилган малака талабларини ҳисобга олган ҳолда тилларни ўқитиши соҳасидаги замонавий йўналишлар билан таниши, техник курилмалар билан ишлаш ва лойиҳа ишлари тажрибасига эга шахсларни касбий қайта тайёрлаш;

умумий ўрта, профессионал таълим тизимлари битирувчиларининг замонавий ўқитиши технологиялар бўйича юқори салоҳият даражаларини аниқлаш, уни қўллаб-куватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида миллий, халқаро ва ҳудудий кўргазмаларида иштирок этиши учун таълим муассасаларини грант асосида қўллаб-куватлаш дастурини ишлаб чиқиши;

“Устоз-шогирд мактаби”ини ташкил этиш ва ривожлантириш.

#### **4-боб. Концепцияни амалга оширишдан қутилаётган натижалар**

Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақомини ривожлантиришда 2030 йилгача қўйидаги натижаларга эришиш назарда тутилмоқда:

ўзбек тили мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, профессионал таълим ва олий таълим тизимларида республикамизнинг давлат тили сифатида узлуксиз ўқитилиши йўлга қўйилади;

давлат тили таълимини тил билишнинг энг юқори даражасигача олиб чиқиши таъминланади;

мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳукуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришилади;

республикамизда яшовчи ўзга тиллар вакилларига ўзбек тилини ўргатиш ва ўқитиш учун маҳсус тайёргарликдан ўтган малакали кадрлар яратилади ва давлат тили таълими самарадорлиги ортади;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш ва сертификатлаштириш тизими йўлга қўйилади, республикамизнинг ҳар бир фуқароси учун давлат тилини билишнинг амалий қадр-қиммати ошади;

барча соҳаларга оид илмий тадқиқотларда давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузи янада ортади; соҳалар бўйича миллий терминологик тизим такомиллаштирилади;

давлат тили соғлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг ўзбек адабий тили нутқи маданиятини ошади, ўзбек тили луғат таркибининг доимий бойиб боришига эришилади;

атамалар комиссияси фаолияти натижасида илмий асосланган янги сўз ва атамалар мунтазам расмий истеъмолга киритилади;

барча давлат органлари ва ташкилотларида давлат тилида иш юритиши салоҳиятига эга бўлган малакали кадрлар шаклланади;

ижтимоий соҳанинг барча тармоқларида давлат тилида иш юритиши меъёрга солинади, жамиятда давлат тили қоидаларига қатъий риоя қилиш маданияти шаклланади;

давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва батафсил ўрганиш олиб борилиши натижасида адабий тил меъёрларига зид ҳолатлар камайиб боради;

давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари билан интеграциясини таъминланади, ўзбек тили илм-фан ва технологиялар соҳасидан янада кенг ва мунтазам жой олади;

ўзбек тилини ўрганиш аудиторияси ва қамрови кенгаяди;

мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароит яратилади;

географик ва бошқа топонимик объектлар, савдо, ишлаб чиқариш, майший хизмат кўрсатиш объектларнинг миллий номлаш тизими йўлга қўйилади;

давлат тили том маънода мамлакатимиз фуқароларини, миллатидан қатъий назар, бирлаштирувчи умумхалқ қадриятига айланади;

ўзбек тилини хорижий мамлакатлардаги ўзбек диаспораларига ва хорижликларга ўргатиш ва тизимли ўқитишининг дастурий таъминоти яратилади:

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи ошади.